

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

ЁШЛАР ВА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ КАСБ-ҲУНАРГА ЎҚИТИШ БЎЙИЧА

УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА

Ёшлар ва хотин-қизларни касб-ҳунарга ўқитиш услубий қўлланма. Расмий нашр. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, «Адолат» миллий ҳуқуқий ахборот маркази, – Т.: 2024 й. – 54 б.

ISBN 978-9943-5620-5-9

Тузувчилар: А. Ёдгаров
Д. Ражабоев
С. Туремуратов

Мазкур услубий қўлланма аҳолини иш билан таъминлашда ва банд бўлмаган ҳамда иш қидираётган ёшлар ва хотин-қизларни касб-ҳунарга ўқитишда ягона ҳуқуқни қўллаш амалиётини шакллантириш, маҳалла еттилиги томонидан ёшлар ва хотин-қизларни касб-ҳунарга ўқишга жалб қилишда қонунчилик ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш мақсадида ҳамда “маҳалла еттилиги” аъзолар ва кенг аҳоли қатлами учун ишлаб чиқилди. Ушбу услубий қўлланма тавсиявий хусусиятга эга.

МУНДАРИЖА

Кириш	4
Ёшлар ва хотин-қизларни касб-ҳунарга ўқитишни тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатлари.....	5
Ишсиз ва иш қидираётган хотин-қизлар ҳамда ёшларни касб-ҳунарга ўқитиш	8
Хотин қизларни давлат буюртмаси асосида касб-ҳунарга ўқитиш	22
Ёшлар ва хотин-қизларни касб-ҳунарга ўқитиш борасидаги имтиёзлар	27

КИРИШ

Хотин-қизлар ва ёшлар – аҳолининг катта қисми бўлиб, ижтимоий масалаларнинг аксарияти ҳам улар билан чамбарчас боғлиқ.

Сўнги йилларда ушбу икки йўналиш бўйлаб Ўзбекистонда давлат сиёсатини маҳалла даражасигача юритадиган вертикал тизим яратилди. Ёшлар масалалари бўйича ҳар бир туманда алоҳида ҳоким ўринбосари, хотин-қизлар масалалари бўйича эса ҳар бир маҳаллада алоҳида раис ўринбосари фаолият юритмоқда.

Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида моддий ёрдам ва кўмакка муҳтож оилалар рўйхати, яъни “темир дафтар”лар қаторида сўнги йилларда “ёшлар дафтари” ва “аёллар дафтари” шакллантирилди. Уларга ижтимоий, ҳуқуқий, психологик қўллаб-қувватлаш, билим ва касб ўрганишга эҳтиёжи ва иштиёқи бор бўлган ишсиз ёшлар ва хотин-қизлар киритилади. Бунинг натижасида улар билан тизимли, манзилли ишлаш йўлга қўйилди.

Шу билан бирга соҳага оид ҳуқуқий база ривожлантирилди. Бир қатор номатив-ҳуқуқий ҳужжатлар орқали ёшлар ва хотин-қизларнинг иш билан таъминланишига оид янги имтиёзлар белгиланди.

Ушбу қўлланмада ёшлар ва хотин-қизларга яратилган имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда ишга жойлашиш ва даромадларини ошириш ҳуқуқлари, уларга тақдим этилган қонунчиликдаги имтиёзлар, мазкур ҳуқуқ ва имтиёзлардан фойдаланиш тартиби содда тилда кўрсатиб ўтилган.

ЁШЛАР ВА ХОТИН ҚИЗЛАРНИ КАСБ-ХУНАРГА УЎҚИТИШ ФАОЛИЯТИНИ ТАРТИБГА СОЛУВЧИ ҚОНУНЧИЛИК ҲУЖЖАТЛАРИ



Ўзбекистон Республикасининг «Аҳоли бандлиги тўғрисида»ги Қонуни



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 29 июндаги «Маҳаллаларда ижтимоий хизматларни кўрсатиш ва ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга ёрдам бериш тизимини янги bosқичга кўтариш ҳамда хотин-қизларни касбга ўргатиш ишларини янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори;



Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 22 июндаги «Ёшлар ва хотин-қизларни касб-хунар ва тадбиркорликка ўқитиш дастурларини самарали амалга ошириш ҳамда уларнинг тадбиркорлик фаолияти учун микрокредитлар ажратиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 388-сон қарори



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 11 августдаги «Камбағал ва ишсиз фуқароларни тадбиркорликка жалб қилиш, уларнинг меҳнат фаоллигини ошириш ва касб-хунарга ўқитишга қаратилган ҳамда аҳоли бандлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4804-сон қарори



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 августдаги «Хорижда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва уларнинг оила аъзоларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чоралари тўғрисида»ги ПФ–5785-сон Фармони.



Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 5 апрелдаги 183-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг «Ишга марҳамат» мономарказлари тўғрисидаги низом



Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 5 апрелдаги 183-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг касб-ҳунарغا ўқитиш марказлари тўғрисидаги низом



Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 5 апрелдаги 183-сон қарори билан тасдиқланган Ишсиз ва иш қидираётган шахсларни касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом



Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 22 июлдаги 307-сон қарори билан тасдиқланган давлат ва нодавлат таълим ташкилотларида давлат буюртмаси асосида касаначилик фаолияти билан шуғулланиш истагини билдирган ишсиз ва банд бўлмаган фуқароларни касбга ўқитиш тартиби тўғрисидаги низом



Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 14 октябрдаги 824-сон қарори билан тасдиқланган Ишсиз ва банд бўлмаган аҳолини касб-хунарга ўқитиш минтақавий марказларида ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низом



Шахсларни ишсиз деб эътироф этиш ва уларга ишсизлик нафақасини тайинлаш бўйича электрон давлат хизматини кўрсатиш тўғрисидаги регламент (2023 йил 31 октябрь, рўйхат рақами – 3472)

ИШСИЗ ВА ИШ ҚИДИРАЁТГАН ХОТИН-ҚИЗЛАР ҲАМДА ЁШЛАРНИ КАСБ-ҲУНАРГА ЎҚИТИШ

Ишсиз, «labor-migration» дастурида рўйхатга олинган ва ўзини ўзи банд қилган ёшлар ва хотин-қизлар **туман (шаҳар) камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлимлари** томонидан бугунги кунда энг зарур бўлган касб-ҳунарларга йўлланма асосида бепул ўқитилади.

● Ишсиз сифатида рўйхатдан ўтиш тартиби

Ишсиз ёшлар ва хотин-қизлар расмий равишда ишсиз деб рўйхатдан ўтиш учун шахсан ўзлари туман (шаҳар) камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлимига мурожаат қилишлари мумкин.

Шунингдек, уйдан чиқмасдан Ягона интерактив давлат хизматлари портали, яъни my.gov.uz портали орқали онлайн ариза бериш ҳам мумкин.




Онлайн ариза бериш учун ҳеч қандай ҳужжат талаб қилинмайди, ариза бераётган шахс сўровномага ўзи ҳақидаги маълумотларни киритади холос. Онлайн ариза бериш билан боғлиқ саволлар пайдо бўлганда +998 (71) 203-01-41 ёки +998 (55) 501-04-78 рақамларига боғланиш мумкин. Ариза бериш бепул, ҳеч қандай тўлов ундирилмайди. Ариза 15 кунда кўриб чиқилади.

«labor-migration» дастури

«labor-migration» дастури хорижга ишлашга кетаётган шахсларга ёрдам бериш мақсадида ишлаб чиқилган. Мазкур дастурдан my.labormigration.uz сайти орқали онлайн рўйхатдан ўтиш мумкин.

“Хорижда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва уларнинг оила аъзоларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чоралари тўғрисида”ги ПФ-5785 сонли Фармонининг 10 бандига биноан яратилган “labor-migration” дастурий таъминоти



Ўзини ўзи банд қилиш тартиби

Ўзини ўзи банд қилган шахс – даромад олиш мақсадида хизмат кўрсатиш, ишларни бажаришда шахсий меҳнати билан иштирок этадиган, фаолиятни мустақил амалга оширадиган, ЯТТ сифатида рўйхатга олинмаган шахс.

Қонунчиликда ўзини ўзи банд қиладиган шахслар учун 100 дан ортиқ фаолият (ишлар, хизматлар) турлари белгиланган, жумладан, ушбу рўйхатда репетиторлик қилиш, деҳқон бозорида савдо қилиш, сартарошлик, риелторлик хизмати мавжуд.

Ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида «Солиқ» мобил иловаси ёки **my.soliq.uz**, **my.gov.uz** порталларидан ҳамда солиқ инспекциясига бориб рўйхатдан ўтиш мумкин. Рўйхатдан ўтишда сўровнома тўлдирилади.



Сўровномада қуйидаги маълумотлар кўрсатилади

- ✔ жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (паспорт, ID-карта тагида ёзилган 14 хонали рақам), рўйхатдан ўтказиш электрон рақамли имзо орқали амалга оширилса, бу маълумот автоматик чиқади; танланган фаолият тури;

- ✔ фуқаро ишни (хизматни) бажарадиган манзили;
- ✔ телефон рақам ва у билан боғланиш мумкин бўлган бошқа маълумотлар.

Рўйхатдан ўтиш яқунланиши биланоқ, ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатдан ўтганлиги тўғрисида QR-кодли маълумотнома юборилади. Рўйхатдан ўтиш мутлақо бепул.

● Касбга тайёрлашнинг умумий қоидалари

Хотин-қизлар ва ёшларни касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш (*кейинги ўринларда – касб-ҳунарга ўқитиш*) **қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:**









● Касбга тайёрланаётган ишсизларга стипендия тўлаш

Касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ёки малака ошириш даврида ишсиз шахсларга **26 ҳафтагача** стипендия тўланади.



Стипендия ишсиз шахсларга қуйидаги миқдорларда тўланади:

-  ишдан ва иш ҳақидан (меҳнат даромадидан) охириги ўн икки ойлик давр ичида маҳрум бўлган шахсларга  аввалги иш жойидаги ўртача ойлик иш ҳақининг 75 фоизи миқдорида;
-  узоқ (бир йилдан ортиқ) танаффусдан кейин ишдан ва иш ҳақидан (меҳнат даромадидан) маҳрум бўлган шахсларга  меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг бир баравари миқдорида;
-  биринчи марта иш қидираётган шахсларга  меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг етмиш беш фоизи миқдорида.

Касб-ҳунарга ўқитишга юбориш

Касб-ҳунарга ўқитишга юбориш **туман (шаҳар) камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлимлари** томонидан йўлланма асосида амалга оширилади. Мазкур бўлим йўлланмаси билан, ишсиз шахснинг қизиқишларидан келиб чиққан ҳолда у қуйидаги ўқув муассасаларида касб-ҳунарга ўқитилади:

- **«Ишга марҳамат» мономарказлари** ва касб-ҳунарга ўқитиш марказлари;
- профессионал таълим ташкилотлари;
- ўқув марказлари ва бўлинмалари;
- давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмаларининг малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизими ташкилотлари ҳамда уларнинг ҳузуридаги ўқув марказлари;

- таълим фаолиятини амалга ошириш бўйича тегишли тартибда рухсатномага (лицензияга) эга бўлган ташкилотлар;
- шогирдларга касб ўргатиш имкониятларига эга бўлган **«Хунарманд» уюшмасига аъзо бўлган хунармандларнинг «Уста-шогирд» мактаблари.**

● «Ишга марҳамат» мономарказларида ўқитиш

Касб-хунарга ўқитиш туман (шаҳар) камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлимлари йўлланмаси асосида «Ишга марҳамат» мономарказларида қуйидаги турлар бўйича амалга оширилади:

узоқ муддатли ўқитиш	»»»	ўқув жараёни 30 ҳафтадан 40 ҳафтагача давом этади;
ўрта муддатли ўқитиш	»»»	ўқув жараёни 5 ҳафтадан 25 ҳафтагача давом этади;
қисқа муддатли ўқитиш	»»»	ўқув жараёни тўрт ҳафтагача давом этади;
ишлаб чиқаришда касб-хунарга ўқитиш	»»»	25 ҳафтагача давом этади;
мақсадли ўқитиш	»»»	ўқув жараёни тўрт ҳафтагача давом этади.

Узоқ муддатли ва ўрта муддатли касб-хунарга ўқитиш мономарказ, иш берувчи, маҳаллий меҳнат органи ва ишсиз шахс ўртасида тузиладиган тўрт томонлама шартнома асосида амалга оширилади.

Ишсиз шахс ўқиш тугагач, мустақил равишда хизмат кўрсатиш, ишларни бажариш фаолиятини йўлга қўйиш мажбуриятини ҳамда ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатдан ўтишни ўз зиммасига оладиган бўлса, ўрта муддатли ўқитишга доир шартнома тузилаётганда иш берувчининг иштирок этиши талаб қилинмайди.

Ўқитиш жараёнида ўқувчилар ўқиш курслари бўйича гуруҳларга, ўқитиш йўналишлари бўйича бўлинмаларга бирлаштирилади.

Мономарказларнинг ўқув дастурлари касбий фаолият (касблар, мутахассисликлар) йўналишлари бўйича зарур мавзуларни ўз ичига олади.

Бу муҳим!

Мономарказлар битирувчиларининг касбий малакаси WorldSkills стандартлари асосида баҳоланади, баҳолашдан муваффақиятли ўтган битирувчиларга Ўзбекистонда ва хорижий давлатларда тан олинадиган Skills паспорти берилади.

Мономарказлар томонидан битирувчиларга белгиланган шакл ва талабларга мувофиқ бўлган:

- ўқишни тамомлаганликни тасдиқловчи ҳужжат;
- касбий малакасини WorldSkills стандартлари асосида баҳолашдан муваффақиятли ўтган битирувчиларга Ўзбекистонда ва хорижий давлатларда тан олинадиган Skills паспорти берилади.

Мазкур ҳужжатлар ўрта махсус, касб-ҳунар таълими дипломи даражасига тенглаштирилади ҳамда эгаллаган билимларни меҳнат фаолиятида қўллаш ҳуқуқини беради.

Мономарказда хорижда ишламоқчи бўлганлар учун қуйидаги хизматлар кўрсатилади:

- касб-ҳунарга ўқитиш;
- хорижий тилларга ўқитиш;

- хорижий давлатларнинг қонунчилиги ва меҳнат қилиш шароитларини ўргатиш ва бошқа керакли маълумотлар бериш бўйича мослаштириш тадбирларини амалга ошириш;
- хорижда ишлаш учун талаб этиладиган ҳужжатларни расмийлаштириш, кредит олиш, суғурта полисини ва бошқа зарур ҳужжатларни расмийлаштиришга кўмаклашиш;
- халқаро стандартлар бўйича касбий малакани баҳолаш.





Эслатма

Мономарказларга хотин-қизлар ва ёшлар ўзлари мустақил мурожаат қилиб шартнома асосида ҳам ўқишлари мумкин.



Касб-ҳунарга ўқитиш марказларида ўқитиш

Касб-ҳунарга ўқитиш туман (шаҳар) камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлимлари йўлланмаси асосида қуйидаги турлар бўйича амалга оширилади:

узоқ муддатли ўқитиш		ўқув жараёни 30 ҳафтадан 40 ҳафтагача давом этади;
ўрта муддатли ўқитиш		ўқув жараёни 5 ҳафтадан 25 ҳафтагача давом этади;
қисқа муддатли ўқитиш		ўқув жараёни тўрт ҳафтагача давом этади;
ишлаб чиқаришда касб-ҳунарга ўқитиш		25 ҳафтагача давом этади;

мақсадли
ўқитиш



ўқув жараёни тўрт
ҳафтагача давом этади.

Касб-ҳунарга ўқитиш маркази ўқувчилари ўқув марказининг ички тартиб-қоидаларига риоя қилишлари шарт.

Касб-ҳунарга ўқитиш марказига қабул қилинган ўқувчилар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- касб-ҳунар, хорижий тиллар ва тадбиркорликка ўқиш;
- ташкилотларда эгаллаётган касбий кўникмаларига мос бўлган йўналишлар бўйича амалиёт ўташ;
- касб-ҳунарга ўқитиш марказининг моддий-техник базаси ва мол-мулкдан фойдаланиш;
- ўқувчилар турар жойида яшаш;
- белгиланган тартибда ўқишни бошқа ўқув марказига кўчиришга.

Битирувчиларга касб-ҳунарга ўқитиш марказларининг ўқишни тамомлаганлигини **тасдиқловчи ҳужжат (сертификат) берилади.**

Марказларга хотин-қизлар ва ёшлар ўзлари мустақил мурожаат қилиб шартнома асосида ҳам ўқишлари мумкин.

● Давлат ва нодавлат таълим ташкилотларида касаначиликка ўқитиш

Касаначилик фаолияти билан шуғулланиш истагини билдирган ишсиз ва банд бўлмаган хотин-қизлар ва ёшлар қуйидаги ҳолларда касбга ўқитилади:

- ✓ касби мавжуд бўлмаганда;
- ✓ мавжуд касбий кўникмаларига мақбул иш йўқлиги сабабли касбни ўзгартириш зарурати бўлганда;

- ✓ касбий кўникмалари мавжуд ёки етарли бўлмаганлиги, касбига доир талаблар ўзгартирилганлиги боис малака ошириши зарур бўлганда;
- ✓ аввалги касби бўйича иш бажариш қобилияти йўқотилганда.

Касаначилик – ҳунармандларнинг меҳнат шартномалари асосида ёлланиб ўз уйида ишлаши ёки хизмат кўрсатиш. Касаначиликда махсус ташкилот ва корхоналар билан келишув, шартнома асосида буюртмалар бажарилади.



Туман (шаҳар) ҳокимликлари туман (шаҳар) камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлимлари билан биргаликда ҳар йили 10 декабргача касаначиликка бўлган талабни ўрганиб белгиланган тартибда тасдиқлайди.

Касаначилар қуйидаги жойларда ўқитилади:

- ✓ «Ишга марҳамат» мономарказлари, касб-ҳунарга ўқитиш марказлари ҳамда маҳаллаларда ташкил этилган касбга ўқитиш масканларида;
- ✓ вазирлик ва идоралар тизимидаги профессионал таълим ташкилотларида ташкил этилган қисқа муддатли касб-ҳунарга ўқитиш курсларида;
- ✓ нодавлат касб-ҳунарга ўқитиш ташкилотларида.

● Касб-ҳунарга ўқитиш минтақавий марказларида ўқитиш

Республикаимизда бугунги кунда 4 та касб-ҳунарга ўқитиш минтақавий марказлари мавжуд:

- Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз шаҳар Ишсизларни касб-ҳунарга ўқитиш маркази;
- Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳар Ишсизларни касб-ҳунарга ўқитиш маркази;
- Фарғона вилояти Фарғона Ишсизларни касб-ҳунарга ўқитиш маркази
- Тошкент шаҳридаги Ишсизларни касб-ҳунарга ўқитиш маркази.

Мазкур ўқув марказига ишга жойлаштириш бўйича иш берувчи, туман (шаҳар) камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлимлари ва ишга жойлашиш истагини билдирган шахс ўртасида тузиладиган уч томонлама шартнома ҳамда бандлик бўлими йўлланмаси бўлганлар қабул қилинади.

Ўқишга қабул қилишга оид маъулмотлар 60 кун олдин Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги сайтида (<https://gov.uz/bv/>) эълон қилинади.

Мазкур эълон Ўқув маркази томонидан фуқаролар танишиши учун қулай бўлган жойга осиб қўйилади.

Номзодларнинг ҳужжатларини қабул қилиш ўқиш бошланишидан олтмиш кун олдин бошланади ва ўттиз кун давом этади.

Номзодлар томонидан қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:



ариза (илова қилинади);



ишга жойлаштириш бўйича уч томонлама шартнома нусхаси;



Бандликка кўмаклашиш туман (шаҳар) маркази томонидан берилган йўлланма.

Номзодлардан юқорида қайд этилмаган бошқа ҳужжатларни талаб қилиш тақиқланади. Ҳужжатларни топшириш вақтида паспортнинг асли кўрсатилади.

Ҳужжатларни топширган шахсга уларнинг қабул қилиб олинганлиги ҳақида тилхат берилади.

Кириш имтиҳонлари тест шаклида қуйидаги фанлар бўйича ўтказилади

Худуд номи	Касб йўналишлари	Тест саволлари тузиладиган фанлар		
		I блок	II блок	III блок
Фарғона вилояти	1. Электр ва электроника	Математика	Физика	Она тили ва адабиёти
	2. Ахборот технологиялари	Математика	Физика	Она тили ва адабиёти
	3. Тикувчилик иши	Математика	Физика	Она тили ва адабиёти
	4. Машинасозлик ишлаб чиқариши	Математика	Физика	Она тили ва адабиёти
	5. Косметика буюмлари ишлаб чиқариш	Биология	Кимё	Она тили ва адабиёти
Қашқадарё вилояти	1. Металлга ишлов бериш ва чилангарлик	Математика	Физика	Она тили ва адабиёти
	2. Электр ва электроника	Математика	Физика	Она тили ва адабиёти
	3. Ахборот технологиялари	Математика	Физика	Она тили ва адабиёти
	4. Йигирув ишлаб чиқариши технологияси	Математика	Физика	Она тили ва адабиёти
	5. Тикув жараёни технологиялари	Математика	Физика	Она тили ва адабиёти
Тошкент шаҳри	1. Автомобилларни таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш	Математика	Физика	Она тили ва адабиёти
	2. Машинасозлик ишлаб чиқариш технологияси	Математика	Физика	Она тили ва адабиёти
	3. Электр, электроника ва автоматлаштириш	Математика	Физика	Она тили ва адабиёти
	4. Ахборот технологиялари	Математика	Физика	Она тили ва адабиёти

Самарқанд вилояти	1. Автомобилларни таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш	Математика	Физика	Она тили ва адабиёти
	2. Пайвандлаш ва чилангарлик ишлари	Математика	Физика	Она тили ва адабиёти
	3. Электр ва электроника	Математика	Физика	Она тили ва адабиёти
	4. Ахборот технологиялари	Математика	Физика	Она тили ва адабиёти

Тест синовлари натижаларига кўра энг юқори балл тўплаган номзодлар тегишли квота доирасида ўқишга қабул қилинади.

Тест синовлари натижалари тестга берилган жавоблар натижалари барча номзодларнинг жавоблар варақасига ёзилгандан кейин **бир кун ичида эълон қилинади.**

Номзод тест синовлари натижасидан норози бўлган тақдирда, тест синовлари натижаси эълон қилинган вақтдан бошлаб **икки иш кuni давомида апелляция бериши мумкин.** Номзод томонидан берилган апелляция апелляция комиссияси томонидан 24 соат мобайнида кўриб чиқиши лозим.

Ўқиш жараёни 40 ҳафтадан иборат бўлиб, 2 та семестрга бўлинади. Бунда ҳар бир семестр 12 ҳафтадан, ишлаб чиқариш амалиёти 15 ҳафта ва якуний малака имтиҳони 1 ҳафта этиб белгиланади.

Эслатма

Марказни тамомлаганларга диплом берилади, мазкур диплом ўрта махсус, касб-ҳунар дипломи даражасига тенглаштирилиб, эгаллаган билимларини меҳнат фаолиятида амалга ошириш ҳуқуқини беради.

Ишсиз ва банд бўлмаган аҳолини касб-ҳунарга ўқитиш минтақавий марказларига ўқишга қабул қилиш учун ариза НАМУНАСИ

_____ ишсиз ва банд
бўлмаган аҳолини касб-ҳунарга ўқитиш
маркази директори _____ га

(яшаш манзили)

_____ да яшовчи
_____ дан
(ариза берувчи шахснинг Ф.И.О.)

АРИЗА

Менга _____ касб йўналиши
(касб номи)

бўйича _____ ишсиз ва банд бўлмаган аҳолини касб-ҳунарга
(Марказ жойлашган ҳудуд)

ўқитиш марказига ўқишга кириш учун ўтказиладиган тест синовида қатнашишга рухсат
беришингизни сўрайман.

Маълумотим _____,
(йўқ, ўрта, ўрта махсус, олий) (тугатган таълим муассасаси номи (агар ўқиган бўлса))

_____ ни _____ йилда тугатганман.

Туғилган вақтим ва жой: _____ йил « _____ » _____,
(йил) (кун) (ой) (туғилган жойи)

Доимий турар жойим: _____
(паспорт бўйича доимий турар жойи (республика, вилоят, шаҳар, туман,
қишлоқ, овул, кўча хонадан рақами) тўлиқ кўрсатилади)

Паспорт маълумотларим: _____

(серияси, рақами, ким томонидан ва қачон берилган)

Боғланиш учун телефон: _____

(ариза берувчи шахснинг Ф.И.О.)

(имзо)

20 _____ йил « _____ » _____
(ариза топширилган сана)

ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ ДАВЛАТ БУЮРТМАСИ АСОСИДА КАСБ-ҲУНАРГА ЎҚИТИШ



Қуйидаги ҳолатларда хотин-қизлар касб-ҳунарغا ўқитилади:

- ✓ касби (мутахассислиги) мавжуд бўлмаганда;
- ✓ мавжуд касбий кўникмаларига мақбул иш йўқлиги сабабли касбни (мутахассисликни) ўзгартириш зарурати бўлганда;
- ✓ касбий кўникмалари мавжуд бўлмаганлиги ёки етарли бўлмаганлиги, касбига (мутахассислигига) доир талаблар ўзгартирилганлиги боис малака ошириши зарур бўлганда;
- ✓ аввалги касби (мутахассислиги) бўйича иш бажариш қобилияти йўқотилганда.



Хотин-қизларни касб-ҳунарغا ўқитиш қуйидагилар томонидан амалга оширилади:

- Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги тизимидаги «Ишга марҳамат» мономарказлари, касб-ҳунарغا ўқитиш марказлари ҳамда маҳаллаларда ташкил этилган касбга ўқитиш масканларида;
- вазирлик ва идоралар тизимидаги профессионал таълим муассасаларида ташкил этилган қисқа муддатли касб-ҳунарغا ўқитиш курсларида;
- нодавлат касб-ҳунарغا ўқитиш ташкилотларида амалга оширилади.


Бу муҳим!

Туман (шаҳар) ҳокимликлари, Камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш марказлари, туман оила ва хотин-қизлар бўлимлари билан биргаликда келгуси йилнинг I ярим йиллиги учун ҳар йили 10 декабрга қадар, II ярим йиллиги учун ҳар йили 10 июнга қадар касбга ўқитишга эҳтиёжи бўлган хотин-қизларнинг касб йўналишлари кесимида давлат буюртмасини ишлаб чиқади.

 Хотин-қизларни касб-ҳунарга ўқитишда давлат буюртмасини ишлаб чиқиш қандай тартибда амалга оширилади?

Касбга ўқитишга эҳтиёжи бўлган хотин-қизларнинг касб йўналишлари кесимида давлат буюртмасини ишлаб чиқишда ҳудудларда фаолият юритаётган давлат ва нодавлат ташкилотларининг малакали кадрларга бўлган талаб ва эҳтиёжларини ўрганади.

Ишлаб чиқилган давлат буюртмасини тасдиқлаш учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги Касбий малака ва билимларни ривожлантириш бўйича ҳудудий кенгашларга (кейинги ўринларда – ҳудудий кенгашлар) тақдим этади.

 Касб-ҳунарга ўқитиш тўлов асосида амалга ошириладими?

Касб-ҳунарга ўқишга муҳтож хотин-қизлар нодавлат таълим ташкилоти, профессионал таълим ташкилоти ҳамда Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги ўртасида тузилган уч томонлама шартнома ва тўлов асосида ўқишга қабул қилинади.

Эслатма

Уч томонлама шартнома ҳоким ёрдамчиси тавсиясига кўра тузилади.

? Касб-ҳунарга ўқишни истаган хотин-қизлар кимга мурожаат қилади?





Нодавлат таълим ташкилоти, профессионал таълим ташкилоти ёки Олий мактаб ҳамда унинг ҳудудий филиалларидан бирини танлаган ҳолда тавсия беришни сўраб **ҳоким ёрдамчисига** мурожаат қилади.

Касб-ҳунарга ўқитиш бўйича мурожаат келиб тушганда ҳоким ёрдамчиси Ҳоким ёрдамчиси **беш иш куни** ичида таълим муассасаси билан уч томонлама шартнома тузилиши учун Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлигининг ҳудудий бошқармасига фуқаронинг мурожаатини илова қилган ҳолда ўзининг тавсиясини юборади.

Хотин-қизларни касб-ҳунар ҳамда тадбиркорликка ўқитиш ўқув дастурлари ва ўқув курслари асосида ташкил этилади.

? Ўқув курслари қанча давом этади?

Ўқув курсларининг умумий давомийлиги 40 соатдан кам бўлмаган ҳолда белгиланади, бунда дарс соатларининг тахминан:

-  70 фоиз қисмини касб-ҳунар ва тадбиркорлик асосларини ўргатиш;
-  10 фоиз қисмини тадбиркорлик соҳасидаги қонунчилик талаблари, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўргатиш ;
-  10 фоиз қисмини бизнес-режалар тузиш ва тадбиркорлик фаолиятини режалаштиришни ўргатиш;
-  10 фоиз қисмини маркетинг, менежмент ва тадбиркорлик этикаси, ҳамкорлар ва мижозлар билан ўзаро муносабатларни тўғри йўлга қўйиш, шунингдек, уларга хизмат кўрсатиш ва муомала маданиятини ўргатишга қаратиш тавсия этилади.

❓ Касб-ҳунарга ўқитишни ким ташкил этади?

Ҳудудий оила ва хотин-қизлар бошқармалари меҳнат органлари билан биргаликда касбга ўқитиш тақсимотини ишлаб чиқади, касбга ўқитиш ишларини ташкил этади, ўқитиш жараёнларини мониторинг қилиб боради ва касбга ўқитилганларнинг малака даражасини баҳолаш учун Малакани баҳолаш марказларига юборади.

👉 Бу муҳим!

Ҳудудий оила ва хотин-қизлар бошқармалари ҳамда камбағалликни қисқартириш ва бандлик бош бошқармалари давлат буюртмаси асосида давлат ва нодавлат таълим ташкилотларида касбга ўқиган хотин-қизларнинг малака даражасини баҳолаш учун уларнинг малакани баҳолаш марказларига, шу жумладан «Ишга марҳамат» мономарказларида ташкил этилган малакани баҳолаш марказларига юборилишига кўмаклашади.

❓ Ўқишни тамомлаган хотин-қизларга қандай ҳужжатлар берилади?




«Ишга марҳамат» мономарказлари ҳамда касб-ҳунарга ўқитиш марказлари битирувчиларининг касбий малакаси WorldSkills стандартлари асосида баҳоланади. Баҳолашдан муваффақиятли ўтган битирувчиларга мамлакатимизда ва хорижий давлатларда тан олинадиган Skills паспорти берилади.



«Ишга марҳамат» мономарказлари ҳамда касб-ҳунарга ўқитиш марказлари томонидан битирувчиларга берилган ўқишни тамомлаганликни тасдиқловчи ҳужжат ҳамда Skills паспорти ўрта махсус, касб-ҳунар таълими дипломи даражасига тенглаштирилиб, эгаллаган билимларни меҳнат фаолиятида амалга ошириш ҳуқуқини беради.

 **Бу муҳим!**

Битирувчиларга берилган ўқишни тамомлаганликни тасдиқловчи ҳужжат ҳамда Skills паспорти таълимнинг кейинги турини давом эттириш учун асос ҳисобланмайди.

 **Ўқишни тамомлаган хотин-қизларга иш топишда кўмаклашиладими?**

Касб-ҳунар йўналиши бўйича ўқув курсларини яқунлаган ишсиз хотин-қизлар ҳоким ёрдамчилари томонидан **Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлигининг ҳудудий бошқармасига** йўналтиради ва бошқарма томонидан ушбу фуқароларни мавжуд бўш иш ўринларига жойлаштириш ёки ўзини ўзи банд қилиши учун кўмаклашилади.

Тадбиркорлик йўналиши бўйича ўқув курсларини яқунлаган хотин-қизларга тадбиркорлик субъекти сифатида давлат рўйхатидан ўтишидан бошлаб, ўз фаолиятини мустақил олиб боришига қадар бўлган жараёнда ҳоким ёрдамчилари томонидан тизимли равишда амалий ёрдам кўрсатиб борилади.

ЁШЛАР ВА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ КАСБ-ҲУНАРГА ЎҚИТИШ БОРАСИДАГИ ИМТИЁЗЛАР

● Касаначиларни касб-ҳунарга ўқитишга сарфланадиган харажатларни қоплаш учун субсидия ажратиш тартиби

❓ Касаначиларни касб-ҳунарга ўқитишга сарфланадиган харажатларни қоплаш учун субсидия қанча муддатга ажратилади?



Касаначиларни касб-ҳунарга ўқитишга сарфланадиган харажатлар уч ойгача бўлган муддатда қоплаш учун ҳар бир касаначига ҳар ойда базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 бараваригача миқдорда ажратилади.

❓ Субсидиялар қайси орган томонидан ажратилади?

Туман (шаҳар) Камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлими томонидан ажратилади.

Субсидия олиш истагида бўлган фуқаро Маҳаллада тadbиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳокими ёрдамчиларининг тавсияси асосида тегишли маҳаллий меҳнат органига ёзма равишда ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали мурожаат қилади.

? Мурожаатда кўрсатилиши керак бўлган маълумотлар

Касаначининг фамилияси, исми, отасининг исми, субсидия тўлаб берилиши лозим бўлган ҳисобварағи (реквизитлари), касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш, шунингдек, малака ошириш жойи, ўқиш муддати, ўқитиладиган касб йўналиши номи. Бунда талабгор мурожаатда касб-хунарга ўқитишга сарфланадиган харажат миқдорини кўрсатиши лозим.

? Мурожаатга қандай ҳужжатлар илова қилинади?

Мурожаатга касаначи билан тузилган фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги меҳнат шартномаси ёки пудрат шартномаси илова қилинади ва мурожаат маҳаллий меҳнат органи томонидан 3 иш куни ичида кўриб чиқилади.

? Субсидия бериш учун нима асос бўлади?

Талабгор ва касаначи билан тузилган меҳнат шартномаси ёки ишларни бажариш (товарлар ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиш) ҳақидаги фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартнома ёхуд пудрат шартномаси Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Солиқ қўмитасининг Ягона электрон шартномалар ахборот порталида рўйхатдан ўтказилганлиги субсидия ажратиш учун асос бўлади.

Субсидия ажратиш (ёки ажратишни рад этиш) тўғрисида 3 иш куни ичида буйруқ қабул қилинади.

? Субсидия ажратиш қачон рад этилади?

Субсидия ажратиш қуйидагиларга кўра рад этилади:

- ҳужжатлар қонунчиликка мувофиқ талабгор томонидан тўлиқ тақдим этилмаганда;

- касаначи билан тузилган меҳнат шартномаси ёки ишларни бажариш (товарлар ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиш) ҳақидаги фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартнома ёхуд пудрат шартномаси Ягона электрон шартномалар ахборот порталида рўйхатдан ўтказилмаганда.

Маҳаллий меҳнат органи субсидия ажратишни рад этиш тўғрисида буйруқ қабул қилинган тақдирда, талабгорга ушбу буйруқ нусхасини 1 кун муддатда юборади.

Талабгор маҳаллий меҳнат органининг субсидия ажратишни рад этиш тўғрисидаги буйруғидан норози бўлса, юқори турувчи органга ёки суд органларига шикоят қилиши мумкин.

Бу муҳим!

Касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш, шунингдек, малака оширган касаначининг ўқиши яқунланган кундан бошлаб 5 иш кунни ичида у ўқишни яқунлаганлигини тасдиқловчи ҳужжат нусхасини маҳаллий меҳнат органига тақдим этиши шарт.

Субсидияларнинг сарфланиши мониторинг қилинадими?

Маҳаллий меҳнат органи ҳамда ҳоким ёрдамчиси ажратилган субсидия ҳисобидан касаначиларнинг касб-ҳунар ўрганаётганлигини жойига чиққан ҳолда мониторинг қилади.

Мониторингга кўра талабгор томонидан белгиланган мажбуриятлар бажарилмаганлиги ҳамда касаначи касб-ҳунар ўрганмаётганлиги аниқланса, маҳаллий меҳнат органи ҳоким ёрдамчиси томонидан тегишли далолатнома расмийлаштирилади ва ушбу камчиликларни бартараф этиш бўйича хабарнома юборилади.

Талабгор хабарнома олинган кундан эътиборан 15 кун ичида кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш чораларини кўради ва амалга оширилган ишлар юзасидан маҳаллий меҳнат органига хабарнома юборади.

❓ Қандай ҳолатда субсидия қайтариб олинади?

Хабарнома тушган кундан эътиборан 3 иш куни ичида (ёки аниқланган камчиликларни бартараф этиш чораларини кўриш учун ўн беш кун муддатдан сўнг) ўқитиш қайта мониторинг қилинади.

Қайта мониторингда дастлабки мониторингда кўрсатилган камчиликлар бартараф этилмаганлиги аниқланса, маҳаллий меҳнат органи талабгорга ажратилган субсидияни қайтариш бўйича қарор қабул қилади ва унга хабарнома юборади.

Хабарномада талабгор томонидан ажратилган субсидияни қайтарилиши учун маҳаллий меҳнат органига тегишли бўлган банк реквизитлари кўрсатилиши лозим.

Талабгор **хабарнома тушган кундан эътиборан 5 иш куни ичида** ажратилган субсидияни хабарномада кўрсатилган маҳаллий меҳнат органига тегишли бўлган банк реквизитларига (Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг асосий ставкасида фоиз тўловлари билан бирга) тўлиқ миқдорда қайтариши шарт.

«Уста-шогирд» анъаналари асосида ҳунар ўрганган шогирдга мустақил ўз фаолиятини бошлаш учун зарур асбоб-ускуна ва жиҳозларни сотиб олишга субсидия ажратиш тартиби



«Уста-шогирд» анъаналари асосида ҳунар ўрганган шогирдга мустақил фаолият бошлаши учун зарур асбоб-ускуна ва жиҳозларни сотиб олиш учун 1 – 3-тоифа туман (шаҳар)лар учун харажатларнинг 50 фоизи, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш бараваригача, 4-5-тоифа туман (шаҳар)лар учун харажатларнинг 75 фоизи, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг 30 бараваригача.

Шогирдтавсия беришни сўраб ўзининг доимий яшаш манзилидаги ҳоким ёрдамчисига ёзма, «Онлайн маҳалла» электрон платформаси ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали электрон ариза билан мурожаат қилиши мумкин.




Шогирднинг фамилияси, исми ва отасининг исми, доимий яшаш манзили, паспорт (ID-карта) серияси ва рақами, сўралаётган субсидия тури, «Хунарманд» уюшмасига аъзолик маълумотномаси кўрсатилади ва «уста-шогирд» анъаналари асосида ҳунар ўрганганлигини тасдиқловчи ҳужжатларнинг нусхалари илова қилинади.


Эслатма

Аризада қайд этилган маълумотлар ҳаққонийлиги учун шогирд жавобгар ҳисобланади.

Мурожаат бўйича ҳоким ёрдамчиси қўйидагиларни бажаради

Уч иш кунда:

-  1) «Онлайн маҳалла» электрон платформаси орқали сўралаётган субсидия туридан муқаддам фойдаланмаганлиги тўғрисидаги маълумотларни аниқлайди;
-  2) жойига чиққан ҳолда қўйидагиларни ўрганади:
 - шогирднинг ҳақиқатда «уста-шогирд» анъаналари асосида ҳунарманддан ҳунар ўрганганлигини;
 - мустақил фаолият бошлаши учун зарур асбоб-ускуна ва жиҳозларни сотиб олишга эҳтиёжини;
-  3) ўрганиш натижалари бўйича далолатнома расмийлаштиради ва далолатномада қўйидагилар акс эттирилади:
 - сўралаётган субсидия туридан муқаддам фойдаланмаганлиги;
 - шогирднинг ҳақиқатда «уста-шогирд» анъаналари асосида ҳунарманддан ҳунар ўрганганлиги;
 - мустақил фаолият бошлаши учун зарур асбоб-ускуна ва жиҳозларни сотиб олишга эҳтиёжи мавжудлиги;

 4) «Онлайн маҳалла» электрон платформаси орқали қуйидаги маълумотларни маҳаллий меҳнат органига юборди:

- тавсия;
- субсидия олиш бўйича шогирднинг аризаси ва унга илова қилинган ҳужжатлар;
- ўрганиш натижалари бўйича расмийлаштирилган далолатнома.

Тавсия ва далолатномада кўрсатилган маълумотларнинг ҳаққонийлиги учун ҳоким ёрдамчиси жавобгар ҳисобланади.

 Қай ҳолатларда субсидия ажратиш рад этилади?

Агарда шогирд белгиланган талабларга мос келмаса ёки жойига чиққан ҳолда ўрганиш натижасида нотўғри (ёлғон) маълумотлар тақдим этганлиги аниқланган ҳолатларда, субсидия ажратиш рад этилади ҳамда бу ҳақда ҳоким ёрдамчиси **1 иш кунида рад этиш сабабларини** кўрсатган ҳолда шогирдга хабарнома юборди.


 Қанча миқдорда субсидия ажретилади?


Маҳаллий меҳнат органи 2 иш кунида юборилган ҳужжатларни ўрганади ва ўрганиш натижасига кўра (агарда тавсия ва ҳужжатларда кўрсатилган маълумотлар ўз тасдиғини топса) шогирдга 1 – 3-тоифадаги туман (шаҳар)лар учун харажатларнинг 50 фоизи, бироқ **базавий ҳисоблаш миқдорининг 25 бараваригача**, 4-5-тоифадаги туман (шаҳар)лар учун харажатларнинг 75 фоизи, бироқ **базавий ҳисоблаш миқдорининг 30 бараваригача** субсидия ажратиш тўғрисида буйруқ қабул қилади.

Маҳаллий меҳнат органи буйруқ расмийлаштирилган кундан бошлаб 5 иш кунида **Электрон давлат харидлари портали (dxarid.uzex.uz) орқали** буйруқда кўрсатилган асбоб-ускуна ва жиҳозларни харид қилиш бўйича буюртма беради.

Асбоб-ускуна ва жиҳозлар шогирдга далолатнома асосида етказиб берувчи ва маҳаллий меҳнат органи томонидан топширилади. Субсидиядан фойдаланиш ҳуқуқи бир марта берилади.

«Аёллар дафтари» рўйхатига киритилган хотин-қизларни тадбиркорликка жалб қилиш

 Савдо-саноат палатаси, АТ «Халқ банки», Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби, «Тадбиркор аёл» ишбилармон аёллар уюшмаси, «Хунарманд» уюшмаси ҳамда ҳудудий хотин-қизлар тадбиркорлик марказлари ва тегишли нодавлат ўқув марказлари жойларда ўқув курсларини ташкил этиш орқали тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш истагини билдирган ва «Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизларнинг тадбиркорлик кўникмаларини ошириш ва бизнес лойиҳаларини тузишга кўмаклашади;

 «Микрокредитбанк» АТБ, «Агробанк» АТБ ва АТ «Халқ банки»нинг туман (шаҳар) филиаллари орқали тадбиркорликни йўлга қўйиш ва ривожлантириш учун кредит ажратилади.

АТ «Халқ банки» «Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизларни тадбиркорликка жалб қилиш, уларга кредит олишда кўмаклашиш, бу масалада республикада ажратилган кредитларнинг статистик ҳисоботини юритиш ва кредит ажратилгандан сўнг уларнинг тадбиркорлигини ривожлантириш учун доимий қўллаб-қувватлаш борасидаги амалий ишларни мувофиқлаштиришга масъул ҳисобланади.

Кредитлар «Аёллар дафтари»га киритилган ва тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган хотин-қизларнинг тадбиркорлигини йўлга қўйиш ва ривожлантиришга йўналтирилади.

Бу муҳим!

Кредит миқдори – 33 миллион сўмгача миқдорда ҳокимлар ёрдамчиларининг тавсиялари асосида ажратилади.

Кредитларни илгари олинган кредитлар ёки ҳар қандай бошқа қарзларни қайтаришга, шахсий эҳтиёж учун автотранспорт воситаси сотиб олишга, маъмурий харажатларни тўлашга, жумладан, автотранспорт воситасининг таъминоти, мебель, алоқа хизматлари тўлови ва уяли телефон сотиб олишга ҳамда қонунчилик ҳужжатлари ва Марказий банкнинг қоидаларига кўра тақиқланган фаолиятларга ажратишга йўл қўйилмайди.

Кредитлар 14 фоизлик ставкада:



оилавий тадбиркорлик,
даромад топишга
қаратилган муайян
меҳнат фаолияти билан
шуғулланиш истагини
билдирган хотин-қизларга



3 ойдан 6 ойгача бўлган
имтиёзли давр билан
3 йилгача муддатга;



чорвачилик (четдан
келтирилган насли қўй
ва эчки), балиқчилик ва
паррандачилик (тухум
йўналиши) учун



1 йилгача бўлган
имтиёзли давр билан
3 йилгача муддатга;



боғдорчилик, узумчилик
ва лимончиликни ташкил
этиш, иссиқхона, қишлоқ
хўжалиги техникаси ва
асбоб-ускуналарни харид
қилиш учун



3 йилгача бўлган
имтиёзли давр билан
7 йилгача муддатга
ажратилади.

Кредитлар тегишли ташкилотларнинг банкдаги ҳисобварағига пул ўтказиш йўли билан ажратилади.

? Кредитлар нақд пулда берилиши мумкинми?

Айрим турдаги фаолиятни амалга ошириш (касаначилик, хунармандчилик, иссиқхона қуриш ва шу кабилар учун зарурий хом ашё, эҳтиёт қисм ҳамда қурилиш молларини сотиб олиш) мақсадида 5 млн сўмгача кредит маблағлари нақд пулда берилиши мумкин.

? Кредитлер қайси платформа орқали ажратилади?

Кредитлар «Микрокредитбанк» АТБ, «Агробанк» АТБ ва АТ «Халқ банки»нинг туман (шаҳар) филиаллари томонидан хотин-қизларнинг муружаат қилиш қатъий навбати асосида Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурларининг ягона электрон платформаси орқали ажратилади.

? Аёлларни иш билан таъминлаганларга имтиёзли кредит бериладими?

Тадбиркорлик субъектларининг «Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизларни иш билан таъминлашга қаратилган лойиҳаларига йиллик **14 фоизлик ставкада имтиёзли кредитлар** ажратилиши мумкин.

Бунда кичик тадбиркорлик субъектлари лойиҳаларига Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш Давлат дастурлари доирасидаги ресурслар ҳисобидан **225 миллион сўмдан ортиқ, бироқ 1 миллиард сўмдан кўп бўлмаган миқдорда** белгиланган тартиб асосида кредит ажратилиши мумкин.

Кредит суммасининг аниқ миқдори тадбиркор томонидан иш билан таъминланадиган **ҳар бир хотин-қиз учун 33 миллион сўмгача** миқдорга мутаносиб равишда белгиланади.

● **«Аёллар дафтари» рўйхатига киритилган хотин-қизларга тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ва ўзини ўзи банд қилиш учун керак бўлган асбоб-ускуна, меҳнат қуролларини харид қилиш учун субсидия ажратиш тартиби**

«Аёллар дафтари»га киритилган тадбиркорлик ва ўзини ўзи банд қилиш фаолиятини бошламоқчи бўлган хотин-қизларга асбоб-ускуна, меҳнат қуроллари (тикувчилик, тўқимачилик, пазандачилик, соч турмаклаш, дурадгорлик, чилангарлик, қурилиш, қишлоқ хўжалиги (мотокультиватор, ўт ўриш ўроқ машинаси, пайвандлаш аппарати, ўсимликларга ишлов бериш қурилмаси) ва бошқа соҳаларда ишлатиладиган меҳнат қуроллари ва аппаратларини харид қилиш учун ажратилади.

Субсидия 7 миллион сўмгача Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш жамғармаси ҳисобидан қонунчиликда белгиланган тартибда ёки 10 миллион сўмгача «Аёллар дафтари» жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

«Аёллар дафтари» жамғармаси Васийлик кенгаши қарор қабул қилади.

«Аёллар дафтари» жамғармаси орқали асбоб-ускуна, меҳнат қуроллари харид қилиш мақсадида субсидия ажратиладиган ҳолларда, Васийлик кенгаши раиси номига (аризада фуқаро ўз фаолиятини бошлаши учун керак бўладиган асбоб-ускуна, меҳнат қуролларининг номи ва тури, сони, тахминий харид нархи ва бошқа қўшимча маълумотлар кўрсатилиши лозим) тақдим этилади.

Васийлик кенгаши томонидан фуқаронинг мурожаатини 3 иш кунидан кўп бўлмаган муддатда ўрганиб чиқилади ҳамда ҳоким ёрдамчиси тавсияси асосида қабул қилинади.

📌 **Бу муҳим!**

Аризани кўриб чиқиш натижасида ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилмаганлиги ёки унда камчиликлар мавжудлиги ёхуд ёлғон маълумотлар кўрсатилганлиги аниқланган тақдирда, мурожаат қилувчига рад этиш сабаблари кўрсатилган ҳолда ёзма равишда хабар берилади.

Васийлик кенгашининг ишчи органи – Оила ва хотин-қизлар бўлими Васийлик кенгашининг субсидия бериш ҳақидаги қарори расмийлаштирилган кундан бошлаб 5 иш куни ичида асбоб-ускуна, меҳнат қуроллари харид қилиниши лозим.

Буюртма асосида асбоб-ускуна ва (ёки) меҳнат қуроллари отказиб берилганда, бу ҳақда Васийлик кенгашининг ишчи органи тегишли буюртмани қабул қилиб олган кундан бошлаб **1 иш кунидан кечиктирмай ариза берувчини хабардор қилади.**

«Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларни тадбиркорликка ва касб-ҳунарга ўқитиш курслари харажатларини қоплаш тартиби

Ҳоқим ёрдамчисининг ижобий тавсияси асосида ўқитиш хизматини кўрсатган нодавлат таълим ташкилоти ёки касб-ҳунарга ўқитиш марказига тўланади.

Харажатларнинг 75 фоизигача қисми, бироқ бир ойгача, бир ойдан икки ойгача, икки ойдан ортиқ муддатли ўқув курслари учун тегишлича БҲМнинг 4, 8, 12 бараваридан кўп бўлмаган қисми.

Эслатма

Ўқув курслари харажатларининг қолган қисми ариза берувчи томонидан нодавлат таълим ташкилотига тўлаб берилади.

Ўқиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар

Тадбиркорликка ёки касб-ҳунарга ўқиш истагида бўлган ариза берувчи ўқитиш курслари харажатларини қоплашни сўраб Васийлик кенгашига ўзи ва таълим ташкилоти ўртасида тузилган шартнома нусхасини тақдим этади.

Шартномада таълим ташкилотининг **номи, СТИР, ўқув курси ёки ўқитиладиган касб-ҳунар номи, ўқув курсининг бир ойлик тўлови миқдори ва умумий муддати** кўрсатилган бўлиши лозим.

Тақдим этилган ҳужжатлардаги маълумотларнинг тўғрилиги ва ҳаққонийлиги учун ариза берувчи жавобгар ҳисобланади.

Ҳужжатлар тақдим этилгандан сўнг Васийлик кенгаши **3 иш куни ичида** мурожаатни унга илова қилинган ҳужжатлар билан бирга ариза берувчи яшаб келаётган маҳалладаги ҳоким ёрдамчисига кўриб чиқиш учун юборади.

Ҳоким ёрдамчиси **5 иш куни ичида** ўқиш харажатларини қоплаш ҳақидаги тавсиянома ёки рад этиш ҳақидаги хабарномани Васийлик кенгашига юборади. Бунда субсидия ажратишни рад этиш ҳақидаги хабарнома юборилганда рад этиш сабаблари асосланиши талаб этилади.

Агар ҳоким ёрдамчиси мурожаатни унга келиб тушган пайдан бошлаб **5 иш куни ичида** кўриб чиқмаса ёки ўқиш харажатларини қоплашни асоссиз рад этиш ҳақида хабарнома берса, ариза берувчининг мурожаати тегишли талабларга мувофиқ бўлганда **Васийлик кенгаши унинг мурожаатини қаноатлантириш ҳуқуқига эга бўлади.**

Мурожаатни ўрганиш натижалари бўйича Васийлик кенгаши томонидан ўқиш харажатларини қоплаш ҳақида қарор қабул қилингандан сўнг **3 иш куни** ичида ўқув курси учун белгиланган маблағлар ариза берувчининг ўқиганлигини тасдиқловчи ҳисоб-фактура ва далолатномага асосан таълим ташкилотининг ҳисоб рақамига ўтказиб борилади.

Ўқув курси харажатларини қоплаш қай ҳолатда тўхтатилади?

Ҳоким ёрдамчиси ариза берувчи ҳақиқатда ўқув курсида ўқиётганлигини **ҳар ойда камида бир марта мониторинг** асосида ўрганади.

Ўрганиш жараёнида ариза берувчи ўқув курсида ўқимаётганлиги аниқланган тақдирда, ҳоким ёрдамчисининг тақдимномасига асосан **ўқув курси харажатларини қоплаш тўхтатилади.**

● «Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларга замонавий касбларни эгаллаши, ахборот технологияларини ўрганиши ва уларни хорижий тилларга ўқитиш бўйича ўқув курсларида ўқиш харажатларини қоплаш учун субсидия ажратиш тартиби

Субсидиянинг мақсади ва миқдори – ёшларга замонавий касбларни эгаллаши, ахборот технологияларини ўрганиши ва уларни хорижий тилларга ўқитиш бўйича 6 ойгача муддатли ўқув курслари учун ҳар ойда БҲМнинг 4 бараваригача миқдорда ёшлар етакчисининг ижобий тавсияси асосида субсидия ажратилади. Бунда ариза берувчига «1+1» тамойили асосида бир вақтнинг ўзида замонавий касб ёки ахборот технологиялари ўқув курси билан биргаликда хорижий тил ўқув курсида ўқиш харажатлари учун ҳам субсидия ажратилиши мумкин.

Тақдим этиладиган ҳужжатлар – ариза берувчи ва нодавлат таълим ташкилоти ўртасида тузилган шартнома нусхаси. Шартномада нодавлат таълим ташкилотининг номи, СТИР, ўқитиладиган замонавий касб, хорижий тил тури ёки ахборот технологиялари йўналиши, ўқув курсининг бир ойлик тўлови миқдори ва умумий муддати кўрсатилган бўлиши лозим.

Тақдим этилган ҳужжатлардаги маълумотларнинг тўғрилиги ва ҳаққонийлиги учун ариза берувчи жавобгар ҳисобланади.

Ҳужжатларни ёшлар етакчиси кўриб чиқиши муддати – ҳужжатлар тақдим этилгандан сўнг 3 иш куни ичида юборилади ва ёшлар етакчиси 5 иш куни ичида субсидия ажратиш ҳақидаги тавсиянома ёки рад этиш тўғрисидаги хабарномани Васийлик кенгашига юборади. Бунда, субсидия ажратишни рад этиш ҳақида хабарнома юборилганда рад этиш сабаблари асосланиши талаб этилади.

Агар маҳалладаги ёшлар етакчиси мурожаатни унга тушган пайтдан бошлаб беш иш куни ичида кўриб чиқмаса ёки субсидия ажратишни асоссиз рад этиш ҳақида хабарнома берса, ариза берувчининг мурожаати тегишли талабларга мувофиқ бўлганда Васийлик кенгаши унинг мурожаатини қаноатлантириш ҳуқуқига эга бўлади.

Пул ўтказилиш муддати – ўрганиш натижалари бўйича Васийлик кенгаши томонидан субсидия ажратиш ҳақида қарор қабул қилингандан сўнг 3 иш куни ичида.

Субсидияни бериш тўхтатилиши мумкинми?

Маҳалладаги ёшлар етакчиси ариза берувчи ҳақиқатда ўқув курсида ўқиётганлигини **ҳар ойда камида бир марта мониторинг** асосида ўрганади.

Ўрганиш жараёнида ариза берувчи ўқув курсида ўқимаётганлиги аниқланган тақдирда, ёшлар етакчисининг тақдимномасига асосан ўқув курси учун **субсидия бериш тўхтатилади**.

«Ёшлар дафтари»га киритилган ижтимоий ҳимояга муҳтож иқтидорли ёшларнинг илм-фан, спорт, санъат ва маданият йўналишларидаги ўқув курслари учун субсидия ажратиш тартиби

Субсидия мақсади ва миқдори – ёшларнинг илм-фан, спорт, санъат ва маданият йўналишларидаги олти ойгача муддатли ўқув курслари учун ҳар ойда БҲМнинг 1 бараваригача миқдорда маҳалладаги ёшлар етакчисининг ижобий тавсияси асосида субсидия ажратилади.

Тақдим этиладиган ҳужжатлар – ариза берувчи ва нодавлат таълим ташкилоти ўртасида тузилган шартнома нусхаси. Шартномада нодавлат таълим ташкилотининг номи, СТИР, ўқитиладиган таълим тури, ўқув курсининг бир ойлик тўлови миқдори ва умумий муддати кўрсатилган бўлиши лозим.

Эслатма

Тақдим этилган ҳужжатлардаги маълумотларнинг тўғрилиги ва ҳаққонийлиги учун ариза берувчи жавобгар ҳисобланади.

Ҳужжатлар тақдим этилгандан сўнг Васийлик кенгаши **3 иш куни ичида** мурожаатни унга илова қилинган ҳужжатлар билан бирга ариза берувчи яшаб келаётган маҳалладаги ёшлар етакчисига кўриб чиқиш учун юборади.

Тавсиянома бериш муддати – маҳалладаги ёшлар етакчиси 5 иш куни ичида тавсиянома бериш ёки рад этиш масаласини ҳал қилади.

Агар маҳалладаги ёшлар етакчиси мурожаатни унга тушган пайтдан бошлаб **5 иш куни ичида** кўриб чиқмаса ёки субсидия ажратишни асоссиз рад этиш ҳақида хабарнома берса, ариза берувчининг мурожаати тегишли талабларга мувофиқ бўлганда **Васийлик кенгаши унинг мурожаатини қаноатлантириш ҳуқуқига эга бўлади.**

Пулни ўтказиш муддати – ўрганиш натижалари бўйича Васийлик кенгаши томонидан субсидия ажратиш ҳақида қарор қабул қилингандан сўнг 3 иш куни ичида.

 **Ушбу субсидияни бериш қай ҳолатда тўхтатилади?**

Маҳалладаги ёшлар етакчиси ариза берувчи ҳақиқатда ўқув курсида ўқиётганлиги тўғрисида **ҳар ойда камида бир марта мониторинг** асосида ўрганеди.

Ўрганиш жараёнида ариза берувчи ўқув курсида ўқимаётганлиги аниқланган тақдирда, ёшлар етакчисининг тақдимномасига асосан ўқув курси учун **субсидия бериш тўхтатилади.**

«Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларни тадбиркорликка жалб қилиш

«Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларга тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишда кўмаклашиш қуйидаги йўналишларда амалга оширилади:

- ✔ 1) Савдо-саноат палатаси ва «Yoshlar – kelajagimiz» жамғармаси томонидан:
- 48 соатлик (ҳафталик) ўқув дастури асосида ўқув курсларида тадбиркорликка бепул ўқитилади;
 - ўқув курсларини муваффақиятли битириб, сертификатга эга битирувчиларнинг ўзини ўзи даромадли меҳнат билан банд қилиш ёки уларнинг доимий меҳнат билан бандлигини таъминлашга (иш ўринлари яратишга) қаратилган лойиҳаларини тузиш ва амалга оширишга кўмаклашади;
- ✔ 2) »Микрокредитбанк» АТБ, «Агробанк» АТБ ва АТ «Халқ банки»нинг туман (шаҳар) филиаллари орқали тадбиркорликни йўлга қўйиш ва ривожлантириш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан кредитлар ажратилади.

«Микрокредитбанк» АТБ «Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларни тадбиркорликка жалб қилиш, уларга кредит олишда кўмаклашиш, бу масалада республикада ажратилган кредитларнинг статистик ҳисоботини юритиш ва кредит ажратилгандан сўнг уларнинг тадбиркорлигини ривожлантириш учун доимий қўллаб-қувватлаш борасидаги амалий ишларни мувофиқлаштиришга масъул ҳисобланади.

Кредитлар мақсади – «Ёшлар дафтари»га киритилган ва тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган ёшларнинг тадбиркорлигини йўлга қўйиш ва ривожлантириш.

Кредит имкониятлари:




- ✔ тадбиркорлик ташаббусига эга жисмоний шахсларга, шу жумладан, ёшларга ўз бизнесини ташкил этиш учун 33 миллион сўмгача бўлган миқдордаги кредитлар гаровсиз ажратилади;
- ✔ кичик тадбиркорлик субъектларига учинчи шахс кафиллиги, суғурта полислари, кредит ҳисобига сотиб олинаётган мол-мулк гарови, Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат

жамғармасининг кафиллиги ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа таъминот турлари асосида 225 миллион сўмгача миқдорда кредитлар ажратилади.

Бу муҳим!

Кредитларни илгари олинган кредитлар ёки ҳар қандай бошқа қарзларни қайтаришга, шахсий эҳтиёж учун автотранспорт сотиб олишга, маъмурий харажатларни тўлашга, жумладан, автотранспорт воситасининг таъминоти, мебель, алоқа хизматлари тўлови ва уяли телефон сотиб олишга ҳамда қонунчилик ҳужжатлари ва Марказий банкнинг қоидаларига кўра тақиқланган фаолиятларга ажратишга йўл қўйилмайди.

Кредитлар ҳоким ёрдамчиларининг тавсиялари асосида 14 фоизлик ставкада:

-  оилавий тадбиркорлик, даромад топишга қаратилган муайян меҳнат фаолияти билан шуғулланиш истагини билдирган ёшларга — 3 ойдан 6 ойгача бўлган имтиёзли давр билан 3 йилгача муддатга;
-  чорвачилик (четдан келтирилган насли қўй ва эчки), балиқчилик ва паррандачилик (тухум йўналиши) учун — 1 йилгача бўлган имтиёзли давр билан 3 йилгача муддатга;
-  боғдорчилик, узумчилик ва лимончиликни ташкил этиш, иссиқхона, қишлоқ хўжалиги техникаси ва асбоб-ускуналарни харид қилиш учун — 3 йилгача бўлган имтиёзли давр билан 7 йилгача муддатга ажратилади.

Кредитлар қарз олувчининг ссуда ҳисоб рақамидан кредит шартномасида белгиланган мақсадлар учун тегишли ташкилотларнинг банкдаги ҳисоб рақамига пул ўтказиш йўли билан ажратилади.

? Кредитлар нақд пулда берилиши мумкинми?



«Ёшлар дафтари»га киритилган ва ўзини ўзи банд қиладиган ёшларга айрим турдаги фаолиятни амалга ошириш (касаначилик, ҳунармандчилик, иссиқхона қуриш ва шу кабилар учун зарур хом ашё, эҳтиёт қисм ҳамда қурилиш молларини сотиб олиш) мақсадида 5 миллион сўмгача миқдорда кредит маблағлари нақд пулда берилиши мумкин.

? Кредитлар қайси платформадан берилади?



Кредитлар «Микрокредитбанк» АТБ, «Агро-банк» АТБ ва АТ «Халқ банки»нинг туман (шаҳар) филиаллари томонидан «Ёшлар дафтари»да ҳисобда турган ёшларнинг қатъий навбатма-навбат мурожаат қилиши асосида Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурларининг ягона платформи орқали ажратилади.

Эслатма

Савдо-саноат палатаси, «Yoshlar — kelajagimiz» жамғармасининг ҳудудий бўлинмалари жойларда тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш истагини билдирган ёшларнинг тадбиркорлик кўникмаларини ошириш ва бизнес лойиҳаларини тузишга кўмаклашади.

? Аёлларни иш билан таъминлаганларга имтиёзли кредит бериладими?

Тадбиркорлик субъектларининг «Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизларни иш билан таъминлашга қаратилган лойиҳаларига йиллик 14 фоизлик ставкада имтиёзли кредитлар ажратилиши мумкин.

Бунда кичик тадбиркорлик субъектлари лойиҳаларига Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш Давлат дастурлари доирасидаги ресурслар ҳисобидан 225 миллион сўмдан ортиқ, бироқ 1 миллиард сўмдан кўп бўлмаган миқдорда белгиланган тартиб асосида кредит ажратилади.

Кредит суммасининг аниқ миқдори тадбиркор томонидан иш билан таъминланадиган ҳар бир хотин-қиз учун 33 миллион сўмгача миқдорга мутаносиб равишда белгиланади.

ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги тасарруфидаги мономарказлар ҳамда касб-хунарغا ўқитиш марказлари тўғрисида МАЪЛУМОТ

T/p	Худудлар	Тури	Мономарказ ва касб-хунарغا ўқитиш марказлари номи	Манзили	Телефон рақами
1	Қорақалпоғ-ғистон Республикаси	мономарказ	Нукус шаҳри «Ишга марҳамат» мономаркази	Нукус шаҳри, А. Утепов кўчаси	+998551024012
2		филиал	Нукус шаҳри «Ишга марҳамат» мономаркази 1-сон филиал	Нукус шаҳри, А. Утепов кўчаси	+998551024012
3		филиал	Нукус шаҳри «Ишга марҳамат» мономаркази 2-сон филиал	Нукус шаҳри Гоголь кўчаси	+998551024012
4		филиал	Нукус шаҳри «Ишга марҳамат» мономаркази Чимбой филиали	Кунхожа кўчаси, 246-уй	+998975058685
5		филиал	Нукус шаҳри «Ишга марҳамат» мономаркази Қўнғирот филиали	«Ғарезизлики» кўчаси	+998913058728
6		марказ	Нукус касб-хунарغا ўқитиш маркази	Алпаяра Досназарова, 64А	+9986122271 53
7		марказ	Элликқалъа касб-хунарغا ўқитиш маркази	Бўстон тумани Ақшаколь ОФЙ	+99899730 04 87
8		марказ	Тахиятош касб-хунарغا ўқитиш маркази	Абдамбетов кўчаси	+998905755888

9		мономарказ	Андижон шаҳри «Ишга марҳамат» мономаркази	Андижон шаҳар Бобур шох кўчаси, 4-уй	+99891614 00 09
10		марказ	Шаҳрихон касб-хунарга ўқитиш маркази	Қум МФЙ	+998994 430 3117
11		марказ	Қўрғонтепа касб-хунарга ўқитиш маркази	Найнаво МФЙ Ғазалкент кўчаси 11-уй	+99899531 05 51
12	Андижон вилояти	марказ	Улғунор касб-хунарга ўқитиш маркази	Оқ том МФЙ Мир Алишер кўчаси, 42-уй	+99899878 00 31
13		марказ	Асака касб-хунарга ўқитиш маркази	Қайроғоч МФЙ Қўнғиров кўчаси, 3-уй	+998993 447 30 31
14		марказ	Бўстон касб-хунарга ўқитиш маркази	Маданият МФЙ Мустақиллик кўчаси, 6-уй	+998993218 14 66
15		мономарказ	Бухоро шаҳри «Ишга марҳамат» мономаркази	Пиридастгир, 13-уй	+9988652215994
16	Бухоро вилояти	марказ	Қорақўл касб-хунарга ўқитиш маркази	Човли МФЙ	+9988652215994
17		марказ	Жондор касб-хунарга ўқитиш маркази	Далбўнобод МФЙ Далмун қишлоғи, 166-уй	+9988652215994
18		марказ	Ромитан касб-хунарга ўқитиш маркази	Навбахор МФЙ «Тинчлик» кўчаси	+9988652215994
19		мономарказ	Жиззах шаҳри «Ишга марҳамат» мономаркази	Ш.Рашидов кўчаси, 44-уй	+9989939403200
20	Жиззах вилояти	марказ	Мирзачўл касб-хунарга ўқитиш маркази	Гагарин кўчаси	+998723121323
21		марказ	Зафаробод касб-хунарга ўқитиш маркази	Мустақиллик кўчаси	+998724722420

22		Қарши шаҳри «Ишга марҳамат» мономарказ	Қарши шаҳри «Ишга марҳамат» мономарказ	Алишер Навоий кўчаси, 70а-уй	+9989908773778
23		филиал	Қарши шаҳри «Ишга марҳамат» мономаркази Косон филиали (2-сон касб-хунар мактаби биносининг бир қисми)	Гувалак қишлоғи	+99888 6782869
24	Қашқадарё вилояти	марказ	Шаҳрисабз шаҳридаги Ишчиларни касб-хунарга ўқитиш маркази (КОИСА)	Файзулло Хўжаев кўчаси, 39-уй	+9989919605955
25		марказ	Деҳқонобод касб-хунарга ўқитиш маркази	Истиклол МФЙ Ф. Фулом кўчаси	+998973175866
26		марказ	Қамаши касб-хунарга ўқитиш маркази	Амир Темура 2, «Ўзбекистон» МФЙ	+998752240480
27		марказ	Касби касб-хунарга ўқитиш маркази	Мустақиллик кўчаси, 3-уй	+998987770252
28		мономарказ	Кўкдала туман «Ишга марҳамат» мономаркази	Ўйовут МФЙ, 1-Макрониобод кўчаси, 1-уй	+998987770252
29		мономарказ	Навоий шаҳри «Ишга марҳамат» мономаркази	Навоий кўчаси, 51-уй	+99878 770 21 01
30		мономарказ	Нурота туман «Ишга марҳамат»мономаркази	Чуя МФЙ	+99899331122 77
31	Навоий вилояти	филиал	Навоий шаҳри «Ишга марҳамат» Мономаркази Хатирчи филиали	А. Ясавий кўчаси, 134-уй.	+998795451442
32		филиал	Навоий шаҳри «Ишга марҳамат» Мономаркази Навбахор филиали	Бешрабод кўрғони	+998795621991
33		марказ	Учқудуқ касб-хунарга ўқитиш маркази	Амир Темура кўчаси, 27-уй.	+998795930912
34		мономарказ	Наманган шаҳри «Ишга марҳамат» мономаркази	А. Хўжаев кўчаси, 38 А-уй	+9989905550555
35	Наманган вилояти	марказ	Учқўрғон касб-хунарга ўқитиш маркази	А. Хўжаев кўчаси, 38 А-уй	+998993427332

36	марказ	Наманган тумани касб-хунарга ўқитиш маркази	Олахамак МФЙ «Ўзбекистон» кўчаси,1-уй	+998934940300
37	марказ	Тўрақўрғон касб-хунарга ўқитиш маркази	Ермасжид МФЙ, А. Навоий кўчаси, 43-уй	+998999977864
38	марказ	Янгиқўрғон касб-хунарга ўқитиш маркази	Мустақиллик майдони, 3-уй	+998994274 62 26
39	мономарказ	Поп туман «Ишга марҳамат» мономаркази	Дўстлик кўчаси, 19-уй	+99897 780 84 00
40	мономарказ	Самарқанд шаҳри «Ишга марҳамат» мономаркази	Нарпай кўчаси, 7-Б уй	+99866 2335300
41	марказ	Самарқанд шаҳар Ишчиларни касб-хунарга ўқитиш маркази (КОИСА)	Спитамен кўчаси, 264а уй	+998662217362
42	мономарказ	Каттақўрғон шаҳар «Ишга марҳамат» мономаркази	Амир Темура кўчаси, 4-уй	+99866 456 10 01
43	марказ	Иштихон касб-хунарга ўқитиш маркази	Азамат маҳалласи	+998 995277684
44	марказ	Жомбой касб-хунарга ўқитиш маркази	Журият ҚФЙ Тут қишлоғи	+998 942849003
45	марказ	Булунгур касб-хунарга ўқитиш маркази	Килдон ҚФЙ Килдон қишлоғи	+998 932383776
46	мономарказ	Ангор тумани «Ишга марҳамат» мономаркази	Маданият маҳалласи	+998945178553
47	мономарказ	Денов тумани «Ишга марҳамат» мономаркази	«Ўрикзор « МФЙ Х.А. Аттор кўчаси, 52-уй	+998993779300
48	филиал	Денов тумани «Ишга марҳамат» мономаркази Узун филиали	«Мустақиллик» кўчаси – 2	+998970750083
49	филиал	Ангор тумани «Ишга марҳамат» мономаркази Жарқўрғон филиали	«Янги қурилиш» МФЙ, «Истиклол» кўчаси, 15-уй	+998995752282

50	марказ	Қизирик касб-хунарға ўқитиш маркази	«Тақия» МФЙ «Оқолтин» кўчаси 1-уй	+998905213600
51	марказ	Шеробод касб-хунарға ўқитиш маркази	Дўстлик МФЙ	+998991415025
52	марказ	Сариосиё касб-хунарға ўқитиш маркази	М. Улугбек маҳалласи, А. Қаҳҳор кўчаси, 45-уй	+998915154071
53	марказ	Шўрчи касб-хунарға ўқитиш маркази	Кўлаб МФЙ Мустақиллик кўчаси, 2-уй	+998915770500
54	мономарказ	Гулистон шаҳри «Ишга марҳамат» мономаркази	Тараққиёт МФЙ Хондамир кўчаси, 46-уй	+998994741650
55	марказ	Оқолтин касб-хунарға ўқитиш маркази	Аҳиллик ҚФЙ Байсун кўчаси, 1-уй	+998973313108
56	марказ	Ховос касб-хунарға ўқитиш маркази	Қаҳрамон ҚФЙ, «Қаҳрамон» кўчаси	+9989994761178
57	марказ	Сайхунобод касб-хунарға ўқитиш маркази	«Анорли» кўчаси, 28-уй	+99899470965
58	мономарказ	Оққўрғон тумани «Ишга марҳамат» мономаркази	Толовул МФЙ, Ғ. Ғулом кўчаси	+998973175866
59	филиал	Оққўрғон тумани «Ишга марҳамат» мономаркази Ангрен филиали (1-сон касб-хунар мактаби бир қисми)	«25 йиллик иштироҳат боғи» кўчаси	+998706627035
60	мономарказ	Пискент «Ишга марҳамат» мономаркази	Қайрағон кўчаси, 175-уй	+998996127212
61	марказ	Қибрай касб-хунарға ўқитиш маркази	Зебуннисо кўчаси, 4-уй	+998996373770
62	марказ	Пискент касб-хунарға ўқитиш маркази	Мустақиллик маҳалласи	+998943647424

63	марказ	Бекобод касб-хунарга ўқитиш маркази	Бекобод касб-хунарга ўқитиш маркази	Зафар шаҳарчаси, «Тошкент» кўчаси, 1-уй	+998949336528
64	марказ	Бекобод шаҳар касб-хунарга ўқитиш маркази	Бекобод шаҳар касб-хунарга ўқитиш маркази	«Ўқитувчилар» кўчаси 5-уй	+9989903340832
65	мономарказ	Фарғона шаҳри «Ишга марҳамат» мономаркази	Фарғона шаҳри «Ишга марҳамат» мономаркази	Соҳибқирон Темуր кўчаси, 245-уй	+998732419634
66	филиал	Фарғона шаҳри «Ишга марҳамат» мономаркази	Фарғона шаҳри «Ишга марҳамат» мономаркази	Бағдод шаҳарчаси «Кўшчинор», 12-уй	+998990404939
67	марказ	Фарғона туман касб-хунарга ўқитиш маркази	Фарғона туман касб-хунарга ўқитиш маркази	Водил шаҳарчаси Марғилон кўчаси, 19А-уй	+998909050018
68	марказ	Фарғона ишсизларни касб-хунарга ўқитиш маркази (KOICA)	Фарғона ишсизларни касб-хунарга ўқитиш маркази (KOICA)	Фарғона шаҳар, Ал-Фарғоний кўчаси, 112-уй	+998977158343
69	мономарказ	Ўзбекистон тумани «Ишга марҳамат» мономаркази	Ўзбекистон тумани «Ишга марҳамат» мономаркази	Ўзбекистон кўчаси	+998979989750
70	мономарказ	Қува тумани «Ишга марҳамат» мономаркази	Қува тумани «Ишга марҳамат» мономаркази	«Мустақиллик» МФЙ «Тараққиёт» кўчаси, 50-уй	+998903039414
71	мономарказ	Бувайда тумани «Ишга марҳамат» мономаркази	Бувайда тумани «Ишга марҳамат» мономаркази	«Зиёлилар» кўчаси, 1-уй	+998906286284
72	мономарказ	Урганч шаҳри «Ишга марҳамат» мономаркази	Урганч шаҳри «Ишга марҳамат» мономаркази	Тоза бoғ маҳалласи «Байналмилалчи» кўчаси, 6-уй	+998622260646
73	филиал	Урганч шаҳри «Ишга марҳамат» мономаркази	Урганч шаҳри «Ишга марҳамат» мономаркази	Ўзбекистон кўчаси, 16-уй	+998623153150
74	филиал	Урганч шаҳри «Ишга марҳамат» мономаркази	Урганч шаҳри «Ишга марҳамат» мономаркази	Туркистон кўчаси 73/1-уй	+998974520108
75	марказ	Хонка касб-хунарга ўқитиш маркази	Хонка касб-хунарга ўқитиш маркази	Эҳтиром МФЙ, «Олмасор» кўчаси, 1а-уй	+998623991067

76		марказ	Янгибозор касб-хунарга ўқитиш маркази	«Янгийул» МФЙ «Фидокор» кўчаси, 28-уй	+998624192384
77		марказ	Қўшқўпир касб-хунарга ўқитиш маркази	Гулзор маҳалласи «Мустақиллик» кўчаси, 15-уй	+998623295381
78		марказ	Тўпроққалъа касб-хунарга ўқитиш маркази	Навбахор МФЙ, К. Отаниезов кўчаси, 2-уй	+998623053788
79		мономарказ	Тошкент шаҳри «Ишга марҳамат» мономаркази	«Паркент» кўчаси, 331-уй	+998998072962
80		марказ	Тошкент шаҳар Ишчиларни касб-хунарга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ўқув маркази	«Қораташ» кўчаси, 44-уй	+998712451653
81	Тошкент шаҳри	марказ	Меҳнат органлари ходимлари малакасини ошириш Республика курслари таркибидagi касб-хунарга ўқитиш маркази	Лутфий кўчаси, 47-уй	+998712783124
82		марказ	Тошкент шаҳридаги ишчиларни касб-хунарга ўқитиш маркази (КОИСА)	Сергели 8	+99871251031
83		марказ	Тошкент шаҳри Олмазор касб-хунарга ўқитиш маркази	Умид кўчаси, 16-уй	+998970035023
84		марказ	Тошкент Креатив технологиялар маркази (Юнусобод ТУМО)	Юнусобод тумани 14-мавзе	+998884060550
85		филиал	Учтела тумани Ишга марҳамат мономаркази	Қўнча дарвоза кўчаси, 485-уй	+998936507064

ЁШЛАР ВА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ КАСБ-ҲУНАРГА ЎҚИТИШ БЎЙИЧА

УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА

Нашр учун масъуллар: *А. Мусаев*
Ш. Абдуллаев
М. Ахмедов

Муҳаррир: *Д. Маткаримова*

Компьютерда саҳифаловчи: *Х. Холиёров*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги

«Адолат» миллий ҳуқуқий ахборот маркази.

Нашр. лис. АИ № 032, 29.10.2019.

Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳқўчаси, 19-уй.

Телефонлар: (99871) 233-28-18, (99871) 280-55-47

Веб сайт: www.adolatmarkazi.uz

е-маил: info@adolatmarkazi.uz

Босишга рухсат этилди ***.*.*.2024* й.

Қоғоз бичими 60x84 ¹/₁₆. «Segoe UI» гарнитураси.

Офсет усулида чоп этилди. Босма табоғи ****.

Нашриёт ҳисоб табоғи ****. Адади ***** нусха.

-буюртма.